

ИНФРАСТРУКТУРА ЛОЙИҲАЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ХУСУСИЙ СЕКТОР ВА ДАВЛАТ ҲАМКОРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Шавкатов Наврузбек

Тошкент давлат иқтисодийёт университети

Корпоратив молия ва қимматли қозғалар кафедраси мудири, и.ф.д., доц.

n.shavkatov@tsue.uz

ORCID: 0000-0003-1305-2507

IMPROVING PRIVATE SECTOR AND PUBLIC COOPERATION IN THE IMPLEMENTATION OF INFRASTRUCTURE PROJECTS

Navruzbek Shavkatov

Department of Corporate finance and securities, Tashkent State University of Economics, Tashkent, Uzbekistan.

n.shavkatov@tsue.uz

ORCID: 0000-0003-1305-2507

Аннотация. Мамлакатларнинг иқтисодий ўсишида тўсқинлик қилиши мумкин бўлган асосий омиллардан бири сифатида транспорт, энергетика, коммунал хизматлар каби инфратузилма тармоқларининг етарлича ривожланмаганлигини айтиши мумкин. Шунингдек, иқтисодий тармоқларида инфратузилма объектларини ривожлантириш ва модернизация қилиш бўйича зарур инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш учун инвестицияларнинг етишмаслиги ва замонавий технологияларни жалб этиш даражасининг пастлиги асосий муаммолардан ҳисобланади. Мақолада инфраструктура лойиҳаларини амалга оширишда давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ўзаро иқтисодий муносабатлар, бундай муносабатларни ривожлантириш борасидаги ҳулосалар, амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар. Давлат-хусусий шериклиги, инфраструктура лойиҳалари, инновацион лойиҳалар, инфраструктурани

ривожлантириш, инвестор, Давлат-хусусий шериклигининг ижтимоий аҳамияти.

Abstract. One of the main factors that can be shown in the economic growth of countries is less developed infrastructure sectors as transport, energy and utilities. Moreover, the main problems are the lack of investment in the such sectors and the low level on using of modern technologies during the implementation of the infrastructure projects for the development and modernization of the sector in various branches of the economy. The article informs about economic relations between the public and private sectors in the implementation of infrastructure projects, draws conclusions, practical proposals and recommendations for the development of public-private partnerships.

Keywords: Public-private partnership, infrastructure projects, innovative projects, infrastructure development, investor, social significance of public-private partnership.

Кириш. Маълумки, иқтисодийётга инвестицияларни жалб қилишда асосий ички манбалар бу энг аввало давлат ва шу мамлакатда фаолият юритаётган хусусий

бизнес субъектлари ҳисобланади. Шу учун ҳам иқтисодчи олимларнинг таъкидларига кўра, давлат билан хусусий секторнинг хўжалик юритишдаги ҳамкорлиги – бу кенг қамровдаги фаолият соҳаларида ижтимоий-иқтисодий аҳамияти юқори бўлган лойиҳаларга инвестицияларни жалб қилиш ва уни амалга ошириш мақсадида амалга ошириладиган институционал ва ташкилий ҳамкорликдир. Жамиятдаги очлик, қашшоқлик, ижтимоий нотенглик қаб муаммолар қисқа муддатда ҳал қилиш имконинг мавжуд эмаслиги туфайли давлат ва хусусий сектор орқали шериклиги орқали узок муддатли инвестицион ва бошқарув стратегияларни амалга ошириш орқали мамлакатда юқори ижтимоий қиймат яратилиши мумкин.[1] сўнги йилларда Ривожланган ва ривожланаётган давлатларда, хусусан Россия федерациясида мамлакат инфратузисини яхшилаш ва соҳага инновацияни кенгайтиришда Давлат-хусусий шериклик механизми катта аҳамиятга эга бўлмоқда. [2]

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи.

Мамлакатда инфрасруктурага инвестициялар учун зарур бўлган маблағ ҳукуматнинг тўғридан-тўғри инвестициялар дастури, шу билан биргаликда давлат-хусусий шериклик механизмлари орқали тақсимланади, бу эса ҳукуматда бундай лойиҳалар учун молиявий муаммоларни ҳал қилиш учун молиявий инновацион восита ҳисобланади. [3]

Транспорт-инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишда Давлат-хусусий шериклик (ДХШ) механизмлари орқали амалга оширишнинг муҳим сабаби шундаки, улар давлат томонидан мунтазам инфратузилмага қилинадиган ҳаражатлар камроқ бўлиб, хусусий сектор маблағларидан фойдаланишда устунликга эга бўлади. [4]

Инфраструктура лойиҳаларини амалга оширишда хусусий сектор ва давлат ҳамкорлигининг амал қилиш механизмлари билан боғлиқ илмий-назарий қарашлар чет эллик иқтисодчи олимлардан Б. Г. Жандаҳяла Тилакнинг илмий тадқиқотларида иқтисодиётнинг ривожланиш стратегияси сифатида ДХШнинг кучли ва заиф томонлари, ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга қаратилган натижалар ва далиллар танқидий таҳлил қилинган. Айниқса, Ҳиндистондаги таълимни ривожлантириш учун ДХШнинг аҳамиятини ёритиб, мамлакатда ва чет элда ривожланиб бораётган турли хил ДХШ моделларининг чекланган тажрибасини кенг миқёсда ўрганиб, баъзи муаммоли масалаларни кўриб чиққан.[5]

Непаллик олим Бикрам Шаҳининг фикрича, яхши йўлга қўйилган давлат ва хусусий шериклик механизми мамлакатда инфраструктурани ривожлантиришда, ҳудудлар ва мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий мақомини, турмуш даражасини ва атроф-муҳит аҳволини яхшилашда тўғри ва аниқ ҳаисасини намоён қилади. Инфратузилмага инвестициялар иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг қоқ марказида туради[6].

Ҳ.Антоний, П. Филипе ва Ж.Гуакуеталар илмий тадқиқот ишларида Америка Қўшма Штатларида давлат-хусусий сектор ҳамкорлигининг таълим соҳасидаги ролини ўрганиш бўйича кўп йиллик дастурнинг дастлабки босқичи натижаларини таҳлил қилишган. Таълим соҳасидаги хусусий секторнинг ролини ошириш, давлат норматив-ҳуқуқий базасини яратиш таълим хизматлари танлови ошишини ва таълим натижалари яхшилашини таъкидлашган. Давлатларга таълим мақсадларига эришишда ёрдам бериши мумкин бўлган ДХШ шартномалари, ушбу тадбирларни амалда

қўллашнинг энг яхши йўли ва усуллари кенг ёритилган.


Республикамиз олимларидан Н.Юсупов ва Ф.Карабаевлар БМТ тараққиёт дастури доирасида давлат-хусусий шерикчиликнинг шаклланиши ва ривожланишининг назарий-услубий масалаларини тадқиқ қилган бўлсалар,[7] У.И.Джуманиязов ДХШ асосида уй-жой қурилиши соҳасида корпоратив бошқарув механизмларини такомиллаштириш мавзусида илмий тадқиқот ишларида ўз эътиборини қаратишган.[8]

Таҳлил ва натижалар. Давлат-хусусий шериклиги - бу илмий-тадқиқот ишларидан тортиб то хизматларгача бўлган соҳаларда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган лойиҳалар ва дастурларни амалга ошириш учун давлат ва хусусий бизнес ўртасидаги институционал ва ташкилий иттифокдир. Давлат-хусусий шериклик асосидаги лойиҳаларни реализация қилишдан эришиладиган самарадорликни 3 турга ажратилиши мумкин:

1. **Иқтисодий самара** - кўп ҳолларда хусусий тармоқ эришадиган фойда назарда тутилади. Хусусий сектор шериклик муносабатларида иштирок этиши натижасида яратиладиган қўшимча молиявий қиймати айнан иқтисодий самарада акс этиши мумкин.
2. **Сиёсий самара** - давлат-хусусий шериклик натижасида давлат томонидан ички ва ташқи сиёсатда кўзланган мақсадларга эришиши тушинилади.
3. **Ижтимоий самара** – давлат-хусусий шерикликни амалга оширилиши натижасида мамлакатда инфраструктурани ривожланиши, транспорт-коммуникация

тизимини яхшиланиши, қўшимча иш ўринларини яратилиши каби жиҳатлар ҳисобга олинади.

Мамлакатимизда давлат хусусий шериклигини амалга ошириш механизмларининг ҳуқуқий асослари сифатида 10-май 2019-йилда тасдиқланган ЎРҚ-537-сонли **“Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”** Ўзбекистон Республикасининг Қонуни амал қилади. Ушбу қонун билан мамлакатимизда Давлат-хусусий шериклигини амалга оширишда Давлат шериги ва хусусий шерик тенг ҳуқуқлигини таъминлашни, Давлат-хусусий шерикликнинг қоидалари ва тартиб-таомиллари манфаатдор шахслар учун очик, шаффоф ва тушунарли бўлиши лозимлиги, давлат шериги давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган давлат-хусусий шерикликнинг қоидалари ва тартиб-таомиллари тўғрисидаги ахборотдан эркин фойдаланилишини таъминлаши шартлиги белгилаб қўйилган. Шунингдек, хусусий шерикни танлаш жараёнидаги саралаш жараёни ва ҳолислик танловга кўра аниқлб олиш механизмларидан фойдаланиш, давлат-хусусий шериклик қоидалари ҳамда тартиб-таомилларини амалга оширишдаги ва ҳолис ҳамда асослантирилган мезонлар асосида мақбул вариант фойдасига қарорлар қабул қилишдаги ҳалоллик ва шаффофлик ҳисобига таъминланиши белгиланган. Давлат томонидан хусусий ҳамкорни танлаш ва шерикликни амалга ошириш жараёнида томонларнинг камситилишига йўл қўйилмаслиги муҳим ҳисобланади.



1 – расм. Давлат-хусусий шерикликни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш турлари¹

Давлат-хусусий шериклик соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларини қуйидаги масалаларда қўришимиз мумкин: [9]

- иқтисодий ўсишни рағбатлантириш ва Ўзбекистон Республикасининг барқарор ривожланишини таъминлаш;
- давлат-хусусий шериклик соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва амалга ошириш;
- мавжуд ижтимоий инфратузилмани шакллантиришга, тиклашга, ундан фойдаланишга, уни сақлашга қўмаклашиш;
- ижтимоий инфратузилмадан фойдаланиш ва унга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш;
- давлат хизматлари сифатини яхшилаш ва улардан эркин фойдаланишни кенгайтириш;

- хусусий секторнинг молиявий маблағларини, шу жумладан хорижий инвестицияларни жалб этишни таъминлайдиган шарт-шароитлар яратиш;
- давлат-хусусий шерикликнинг институционал-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш ва такомиллаштириш учун илмий тадқиқотларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, замонавий услублар ва технологияларни жорий этиш.
- Давлат-хусусий шериклик механизмини ташкил этишда бир томонда давлат сектори, иккинчи томонда хусусий сектор ўзаро ҳамкорлигини олиб бориши ва жараёнларда ҳар бир субъект ўз белгиланган ва шартнома орқали келишилган вазифаларни бажариш лозим бўлади. Умумий ҳолатда хусусий сектор барқарор даромад манбайига эга бўлиши ва фойдасини ошириши учун, шунингдек

¹ “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

бозорда мустахкам ўринга эга бўлишида давлат учун шерик бўлиши аҳамиятли ҳисобланади. Ўз ўрнида давлат томонидан кўрсатилаётган ижтимоий хизматлар (йўл қурилиш, тиббий хизмат, таълим, коммунал хўжалик ва бошқалар) ҳажмини ва сифатини оширишда хусусий секторга эҳтиёжи юқори бўлади. Айнан, давлат-хусусий шериклигини ташкил этишда энг муҳим омиллардан бири бу давлат-хусусий шериклик шартномасидир. Жаҳон амалиётида давлат-хусусий шериклигини амалга ошириш учун турли хил моделлар, шакллар, турлар ва ўзига хос имкониятлар мавжуддир.

Давлат-хусусий шериклик амалиётида томонларнинг келишувда иштирок этишидан эришиладиган натижалари кучли ва кучсиз томонлари, имкониятлар ва хавф-хатар, таҳдидларни SWOT таҳлили орқали ўрганганимизда бевосита давлат учун ва хусусий сектор учун афзалликлар шу билан бир қаторда камчиликларни кузайтишимиз мумкин. Шу боисдан ҳам, Давлат-хусусий шериклиги асосидаги лойиҳаларни самарадорлигини аниқлашда энг аввало унинг шартнома шакли муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Давлат-хусусий шериклик шартномаси - давлат (маҳаллий бошқарув) ва хусусий сектор ўртасида муайян ижтимоий аҳамиятга эга ва фойдали фаолиятни амалга ошириш учун тузиладиган маъмурий-хўжалик келишуви. ДХШ амалиётида энг кенг тарқалган шакли бўлиб, ишлар - давлат хизматларини кўрсатиш, бошқарув учун, давлат эҳтиёжлари учун маҳсулотларни этказиб бериш, техник ёрдам кўрсатиш учун ишларни бажариш учун шериклик асосида шартнома тузилиши мумкин. Маъмурий-ҳуқуқий муносабатларда мулкӣ ҳуқуқлар хусусий шерикларга ўтказилмайди, харажатлар ва молиявий

бўлади. Давлат-хусусий шериклиги механизмига билвосита таъсир этадиган ташқи молиявий муҳит омиллари таҳлили SWOT-таҳлил – стратегик таҳлил асосий методига таянади. Бу методдан фойдаланиш жуда оддий бўлиб корхонанинг стратегик молиявий ҳолатини унинг асосий ташқи жиҳатларини тезкор баҳолаш имконини беради. Билвосита таъсир этадиган ташқи молиявий муҳит омиллари таҳлили жараёнида макродаражада ҳаракатга келтириладиган ташқи ижобий имкониятлар ва давлат-хусусий сектор ҳамкорлигини молиявий механизмини ривожлантириш учун тўсиқлар аниқланади. Давлат-хусусий шериклигида хусусий сектор иштироки шартнома тури ва келишув шартларига қараб белгиланади ва унинг иштирок даражаси ўзгариб боради. Айнан хусусий сектор давлат – хусусий сектор шериклигида иштирок этиш даражаси шартнома шакли ва келишувга боғлиқ ҳисобланади. (2-расм).

Йўқотишлар давлат томонидан қопланиши мумкин. Хусусий шерикнинг манфаати шундан келиб чиққан ҳолда, у шартнома асосида даромад, фойда ёки тўловлар бўйича белгиланган улуш олтишга бўлган мауайян ҳуқуқга эга бўлади.

Давлат-хусусий шериклик механизмлари орқали инвестицияларни жалб қилишда авваламбор, катта миқдорда капитал қўйилмаларни талаб этувчи соҳаларга татбиқ этиш мақсадга мувофиқдир. Бунда транспорт, энергетика, йўл, коммунал, тиббиёт, таълим каби соҳаларга давлат-хусусий шериклик механизмларини кенгрок татбиқ этиш, соҳалар бўйича йиллик капитал қўйилмаларнинг талаб этиладиган ҳажми, уни давлат-хусусий шериклик механизмлари орқали молиялаштириладиган улуши ва муддатлари аниқ белгилаш, давлат-

хусусий шериклик асосида амалга ошириладиган лойиҳалар бўйича давлат мажбуриятларини кафолатлаш механизмларини жорий этиш, давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини тузиш борасидаги мақсадли индикаторлар, амалий чора-тадбирлар ва тармоқ жадваллари тузиш, давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг ижро этилишини мунтазам мониторинг қилиш, давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг самарадорлиги ва амалий натижадорлигини баҳолашга қаратилган чора-тадбирлар амалга ошириш лозим бўлади. [10]

Хулоса ва таклифлар.

Мамлакатларда COVID-19 пандемияси таъсирида фавқулодда инкирозларни олдини олиш ва инкироз даврида самарали ҳаракат қилиш учун давлат-хусусий шериклиги (ДХШ) механизмини кенгроқ ташкил этиш, айниқса, соғлиқни сақлаш тизимида бу механизидан кенг қўламда фойдаланишни давр тақазо этмоқда. Давлат-хусусий шериклигини фақатгина ижтимоий-маданий соҳа ҳамда

инфраструктурани ривожлантириш даражасини белгиловчи омил сифатида эмас, балки, мамлакат иқтисодиётини ривожланишини янги босқичга олиб чиқадиган алоҳида дастаклардан бири сифатида эътироф этиш лозимдир. Яқин келажакда давлат-хусусий шериклигини амалга ошириш бўйича лойиҳалар базасини яратиш ва очик, реал маълумотлар билан шакллантириб бориш ва мунтазам таҳлил этиб бориш, ДХШ лойиҳалари учун тренинг тизимини яратиш, инфратузилмани ва ижтимоий соҳани қўшимча ривожлантириш борасида изчил ишларни белгилаш, энг муҳими, давлат шеригини танлашда шаффоф ва адолатли тизим ишлаб чиқиш лозимдир. Миллий қўламдаги ижтимоий инфраструктура соҳасидаги йирик лойиҳаларда давлат-хусусий шерикликни жорий этишни рағбатлантириш, имтиёзлар бериш ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати

1. "Давлат-хусусий шериклик тўғрисида" Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 2019 йил 10 май, ЎРҚ 537-сон.
2. 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, Тошкент ш., 2020 йил 2 март, ПФ-5953-сон.
3. Howard W. Buffet and William B. Eimicke. Social value investing: a management framework for effective partnerships. , Columbia University Press, 2018
4. Kovaleva T.M., Milova L.N., Khvostenko O.A., Popova E.V. (2021) Finance of Public-Private Partnership in the Russian Federation. In: Ashmarina S., Mantulenko V., Vochozka M. (eds) Engineering Economics: Decisions and Solutions from Eurasian Perspective. ENGINEERING ECONOMICS WEEK 2020. Lecture Notes in Networks and Systems, vol 139. <https://www.scopus.com/> Springer, Cham. https://doi.org/10.1007/978-3-030-53277-2_27



5. Luo, P., Song, D., Chen, B. Investment and financing for SMEs with bank-tax interaction and public-private partnerships (2020) International Review of Economics and Finance, 65, pp. 163-172.
<https://www.scopus.com/inward/record.uri?eid=2s2.085074022154&doi=10.1016%2fj.iref.2019.10.007&partnerID=40&md5=18c5c51544ad94ff1630fbab8f8a593c> DOI: 10.1016/j.iref.2019.10.007
6. Verweij, S., Meerkerk, I.V. Do public-private partnerships perform better? A comparative analysis of costs for additional work and reasons for contract changes in Dutch transport infrastructure projects (2020) Transport Policy, 99, pp. 430-438.
<https://www.scopus.com/inward/record.uri?eid=2-s2.0-85092197588&doi=10.1016%2fj.tranpol.2020.09.012&partnerID=40&md5=4f105a71b07a399b3f8987343a6a5c1c> DOI: 10.1016/j.tranpol.2020.09.012
7. Harry Anthony Patrinos Felipe Barrera-Osorio Juliana Guaqueta. The Role and Impact of Public-Private Partnerships in Education. 2009. The International Bank for Reconstruction and Development // The World Bank. pp 53.
8. 2. Mr. Bikram Shahi. Impact of Infrastructure Development on Society: A Case Study of the Narayan Municipality ward No. 1, Dailekh. Exam Roll No: 281391 T.U Registration No: 6-2-55-809-2004 Central Department of Rural Development Faculty of Humanities & Social Sciences Tribhuvan University Kathmandu, Nepal. August, 2012, p 6.
9. Юсупов Н.А ва Карабаев Ф.Э. Теория и практика государственно-частного партнерства. Учебный модуль. Под редак. А.Э.Шайхова. -Т.: 2013. -113 с.
10. У.И.Джуманиязов. “Давлат-хусусий шерикчилиги асосида уй-жой курилиши соҳасида корпоратив бошқарув механизмлари тақомиллаштириш”. Иқтисод фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертациянинг автореферати. -Т.: ТДИУ. 2017 й.